



## КАРИМОВ ЯНГИ КЛАНЛАРГА ЙЎЛ ОЧИШ УЧУН ЭСКИЛАРИНИ ТОЗАЛАМОҚДА

stanradar.com нашри Ўзбекистондаги сўнгги воқеаларнинг бутунлай ўзгача талқинини бераётир. Нашрнинг pro-kg.com сайтига таяниб ёзишча, Гугушага нисбатан босимлар — Ислом Каримовнинг

хукумат ичидаги гуруҳларга қарши шафқатсиз ҳаракатлар бошлаш арафасидаги ўзига хос бир никобдир («ширма» — stanradar.com), гўёки «мана мен ҳатто ўз қизимни ҳам аяб ўтирмадим», дегандай. Кейин эса навбат бошқа гуруҳларга етиб келади. Таёк ҳаммининг бошига тушади, Мирзиёев, Азимов, Иноятовлардан то энг майда-майдаларигача.

Каримовнинг мақсади — сиёсий майдонни «янги сиёсатчилар генерацияси» учун тозалашдир, токи бу янги

Энди унинг вазифаси — ўз сиёсий ҳаракатини тузиб, ўша сайловларда гўёки ҳукуматга рақиб сифатида қатнашиш. Бу ҳаракат центристтик қарашларга эга бўлиб, сафларига сўнгги йилларда етиштирилган номига муҳолифлар, ҳуқуқбонлар ва гўёки сиёсий қочқинлар киритилади. Аммо давлат бошқарувидаги бирор лавозим берилмайди Гугушага.

Потенциал «Ворислар» дея аталган уч шахс — Мирзиёев, Азимов ва Иноятовлар эса ўз лавозимидан четлатилади, аммо албатта олдинга бутунлай кучсизлантирилади.

stanradar.com нашрига кўра, Иноятов, гарчи Каримовдан уни истефога чиқаришни сўраб турса-да, барибир ўз лавозимини сақлаб қолади. Иноятов жуда яхши биладик, у ҳам Бош Вазир ва Молия Вазири билан биргаликда мамлакатдаги оғир аҳволнинг бош айбдорларига чиқарилиб, улкан суд жараёнларининг марказий иштирокчиларига айланиши мумкин.

ЎХХ ахборот бўлими

ОАВда тарқалган хабарларга кўра, Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари бўйича бош музокарачиси Акмал Саидов 30 октябр, тушдан сўнг Женевада Бирлашган Миллатларнинг Қийноқларга қарши кўмита аъзоларига бақириб, столни муштлаш билан жавоб берган.

Мажлис иштирокчилари ўзбек дипломатининг бу қилиғидан саросимага тушган. Айни мажлисда иштирок этган Хюман Райтс Вотч ташкилоти тамсилчиси Стив Свёрдловнинг айтишича, Акмал Саидов

лиллари билан исботлашни сўради. Аммо ҳукумат ҳайъати аниқ далилларни тақдим этиш ўрнига кўмита аъзоларини ҳақоратлади ва мажлисни сиёсийлаштиришга уринди ва қийноқлар йўқ деб туриб олди.

Қийноқларга қарши кўмита 2002 йилдан буён Жаслик қамоқхонасини ёпишни тавсия этиб келади.

Аммо ўзбек ҳукумат ҳайъати раҳбари Акмал Саидов «Қийноқларга қарши кўмита Ўзбекистонга қандай яшаш кераклигини ўргатмаслиги



## ЎЗБЕКИСТОН ВАКИЛИ БМТДА БАҚИРИБ, СТОЛНИ МУШТЛАДИ

қийноқлар ҳақда конкрет, конкрет саволларга бақириб билан жавоб қайтарган

Бу бизни ларзага солди, аммо ҳайратга солгани йўқ. Улар қийноқлар бўйича мустақил, халқаро экспертлар олдида ўз далилларини айтиш имконига эга эдилар.

Аммо буни бир томошага айлантиришди. Қийноқларга қарши кўмита ўзбек мулозимларидан сиёсий маҳбуслар, жумладан, қамоқдаги ҳуқуқ фаоллари қийноққа солинмаган, деган даъволарини аниқ да-

керак», дея жавоб қайтарган. Унинг айтишича, Жаслик қамоқхонасида фақат об-ҳаво, иқлим шароитлари билан боғлиқ муаммолар мавжуд, холос.

У халқаро экспертларнинг Жасликқа ҳаддан зиёд эътибор қаратишларидан норозилик билдирди. Аммо қийноқларга қарши кўмита Ўзбекистондаги қайси турмага кўпроқ эътибор қаратиши лозимлигини айтмади.

Эслагиб ўтамиз, БМТ қийноқларга қарши кўмитасининг ҳисоботларига

кўра, Ўзбекистон турмаларида қийноқлар систематик тарзда йўлга қўйилган.

Қамоқларда қийноқларнинг ҳар хил турлари, жумладан, қийноқ сувга ботириб ўлдириш, электр стулга ўтқизиш, жинсий зўрлаш, кўз олдида яқинларига тажовуз каби амалиётлар кенг йўлга қўйилган.

Қамоқхонада ўлдирилган маҳбуслар сони эса йил сайин ошиб бормоқда.

ЎХХ ахборот бўлими

12.10.13 йили "Альянс" инсон ҳуқуқлари ташкилоти ҳимоячиси ва Эрк партияси аъзоси Шухрат Рустамов Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармаси томонидан юборилган хатни ўқиб, ҳайратда қолди.

Негаки, хат 19.09.13 куни рўйхатдан ўтказилиб, унда Ш.Рустамовга нисбатан жиноят кодексининг 139 (туҳмат), 140 (ҳақорат)

такрор шикоят йўллаб, жиноят ишидаги процессуал ҳужжатларнинг нусхаларига шикоят ариза келтириш учун берилишини талаб қилган.

Ундан ташқари 22.10.13. куни Президент И.Каримовга шикоят йўллаб, Шайхонтаҳур туман ИИБ сида, Тошкент шаҳар ИИБ сида ва Тошкент шаҳар судида содир этилаётган қонунбузарликлар ҳақида, унга

соат 16. 35. да судга олиб кирган ва суд жараёнини бошлаган.

Утказилаётган бу суд ноқонуний бўлишига қарамасдан ва судланувчининг эътирозни эътиборга олинмасдан, суд мажлиси очик деб эълон қилинган. Ш.Рустамовнинг шахси аниқлангандан кейин унинг процессуал ҳужжатлар нусхаларини бериш ҳақидаги талаби қаноатлантирилди.

## ЭРК ПАРТИЯСИ АЪЗОСИ Ш.РУСТАМОВГА ҚАРШИ ҲУКУМАТНИНГ НАЙРАНГЛАРИ

ва 159 (Конституция тузумига қарши фаолият) моддалари билан жиноят содир қилинганлиги тўғрисида эди. Хатда яна кўрсатилишича, Ш.Рустамов дастлабки терговда тузилган баённомага имзо чекишдан бош тортган. Имзодан бош тортгани ҳақида ҳам баённома тузилган эмиш. Айблов ҳулосасининг текширилганлиги, Эҳтиёт чораси кўрилганлиги, Жиноят иши Тошкент шаҳар жиноий судига юборганлиги ҳақида ҳам хабар бор эди.

Содир этилмаган жиноятни тан олмаган Ш.Рустамов 16.10.13. куни расмий равшда Тошкент шаҳар судининг раисига шикоят йўллади. Бу шикоятда жиноий иш қўзғатилиши ҳақидаги қарор берилмаганлиги, дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмаганлиги, айблов ҳулосасини олмаганлиги, баённомага қўл қўйишдан бош тортмаганлигини мълум қилган.

Ундан ташқари 19.10.13. куни Тошкент шаҳар судининг раисига

нисбатан уюштирилган таъзиқларни тўхталиши ҳақида, шунингдек, ушбу қонунбузарликка алоқадор бўлган президент аппаратининг маъсул ходимлари Шайхонтаҳур ИИБ бошлиғи, Тошкент шаҳар ИББси бошлиғи О.Исмоилов ва прокурорларга нисбатан жиноий иш қўзғатиш шикояти топширилган.

Мавжуд шикоятларга қарамай, Тошкент шаҳар судининг котиби И.Очилов 23.10.13. куни Ш.Рустамовга қўнғироқ қилиб, 24.10.13. куни соат 14.00. да шаҳар судида бўлиб ўтадиган суд жарёнига етиб келишни буюрган. Акс ҳолда, эҳтиёт чорасини ўзгартириб, Ш.Рустамовни куч ишлатиш амали билан судга олиб келиш билан таҳдид қилган.

24.10.13. куни Ш.Рустамов навбатдаги шикоят аризасини президент аппаратига йўллаб, нусхасини Тошкент шаҳар судига соат 12.15.да топширган. И. Очилов бу шикоятларга эътибор бермасдан, Ш.Рустамовни

Суд мажлиси 29.10.13. га қолдирилди.

Суд мажлисидан кейин Ш.Рустамовга талаб қилган ҳужжатларнинг нусхалари берилган. Лекин ҳаммаси эмас. Прокурорнинг ишни судга ошириш тўғрисидаги қарорини, ишнинг судга оширилиши ҳақидаги қарорни, судянинг ишни юрутиш рухсатини олганлиги ҳақида қарорни, судянинг ишни судда кўришга таёрлаш ҳақидаги қарорни ва терговчининг Ш. Рустамовни айбланувчи тариқасида жалб қилиниши ҳақидаги қарорни беришдан судья А.Зияев бош тартган.

Ш.Рустамов, кейинчалик ушбу ҳужжатларни олиб, 26.10.13. куни Президент И.Каримов номига қайта шикоят ариза юборди.

Бу шикоятда жиноятда иштирок этганларга нисбатан жиноий иш қўзғашни талаб этди.

Шухрат Рустамовнинг сўзини оққа туширувчи:

**Нуратдин Жуманиёв**

Агар мушукка лупа орқали қаралса, у баҳайбат йўлбарс бўлиб кўринади. Чунки йўлбарс ҳам мушуксимонлар оиласига киради.

Мушук ва йўлбарснинг фарқи шундаки, йўлбарс тоғу-тош, ўрмонларда табиатнинг барча сновларига бардош бериб, ўз инстинктларини янаям чиниқтириб яшаса, мушук хонаки бўлгани сабаб табиий инстинктлардан мосуво бўлган.

## КАРИМОВ ВА СТАЛИН. МУШУК ВА ЙЎЛБАРС

Уни ташқи оламдан хона деворлари асрайди, шунинг учун унда табиийлик ўрнини сунъийлик эгаллаган...

Мушукнинг ҳатти-ҳаракатларини йўлбарсникидек олдиндан айтиб бериб бўлмайди. Мисол учун мушук холодильникни очиб, ундан соҳиска ўғирлаб еган бўлса, у олдиндан эгаси (яъни сиз) билан мулоқот тактикасини ўйлаб қўяди. Эшиқдан келишингиз билан оёқларингизга суйкалади, ўтирсангиз тиззангизга чиқиб эркаланади. Агар швабра олиб қувласангиз, керак бўлса люстрага сакраб чиқиб жонини сақлайди.

Энди Гулнорахоннинг ўз отасини Сталинга ўхшатишида ҳам ана шу "лупа ҳодисаси" рўй берапти.

Сталин қаттиққўл, коммунистик ғоя учун ҳар балодан тоймайдиган, аскетга яқин одам эди. Ҳужжатларда келтирилишича, у ўлганида кийинтиришга яроқли кийим топиша олмаган экан. КАРИМОВчи? Унда қандай фазилатлар борки, уни Сталинга ўхшатилса?

Иккинчи жаҳон урушида ғалабани таъминлаган саркарда қаёқда-ю, икита жангарини тутолмай бир автобус одамни қириб ташлаган, Андижонда тинч аҳолини автоматлардан ўққа тутиб қўйиб, мен ҳеч нарса билмайман, деб турган ахлақ қаёқда?!

Ғоя масаласида ҳам худди шундай: 23 йилдан бери миллий ғоя-миллий ғоя дейдию, ғоядан дарак йўқ.

Сталин жаҳон сиёсатида кучли фигура бўлиб хотирада қолди. Каримов ким бўлиб эсда қолади???

**Эркин Садриев**

## МИЛЛИОНЕР БИЛАН ЭЛЧИХОНАМИЗ ҚИЗИҚМАЁТИР

Салкам 3 миллион доллар маблағ билан Россия ҳудудига кирган ўзбекистонлик ҳибсага олинди

Ҳозирча шахс эълон қилинмаётган Ўзбекистон фуқароси Россиянинг Екатеринбург шаҳридаги Кольцово аэропортида божхона пости ходимлари томонидан қўлга олинган. У декларацияда кўрсатилмаган салкам 3 миллион доллар ва 3.7 минг Бирлашган Араб амирликлари дирҳами миқдоридан пул билан ўтаётгани аниқланган. Божхона иттифоқи жорий қонунлари бўйича божхона чегарасини кесиб ўтаётган жисмоний шахслар 10 минг доллардан ортиқ маблағ учун декларация тўлдирishi лозим. Ўзбекистон фуқаросига РФ ЖКнинг "Нақд пул маблағлари ва пул воситалари контрабандаси" моддаси билан айбланмоқда. Россиядаги Ўзбекистон элчихонаси ёки консулликларининг ўз фуқароси ишига эътибор бергани ё бермагани маълум эмас.

**ЎХХ ахборот бўлими**

**“Чувара туғидан мақсад — зўйит ейиш”** — ўзимизнинг мақол.

Мухолифатнинг вазифаси — мавжуд тузумни ўзгартириш. Албатта тузум ни ҳар хил йўллар билан ўзгартириш мумкин. Ҳарбий тўнтариш, кўзғолон, суиқасд, эволюцион ривожланиш, парламент йўли билан ва ҳоказо. Гап бугун қайси йўлни танлашда эмас, шу ўзгаришга мухолифат қай даражада тайёрлиги ҳақида. Эртага — Ол қулим десаю, бирорта мухолифат партия ҳукуматга келса, халқ ҳаёти қай тарафга ўзгаради. Бирданига фаровон ҳаётга эришамизми ёки сиёсий дебатлар билан оввора бўлиб, халқни унутиб қўйиб, унинг бусиз ҳам оғир аҳволини янада оғирлаштириб қўйилади. Ана шу саволга жавоб ахтариб кўрайлик. Мен дангал айтаман, -Мухолифат ҳали ҳукуматни эгаллашга тайёр эмас. Чунки 30 000 000 аҳолига эга бўлган

ҳам майда ҳиссиётларга берилиш, шу 2-даражали нарсдан устун бўлолмаслик оқибатида ҳам иш таназулга учраши мумкин. Бизнинг мухолифатчиларимизда юқорида санаб ўтилган нуқсонлар мавжуд экан, мутлақо кутилмаган 3-томон вазиятдан фойдаланиб қолиши мумкин. Бунга мисол қилиб, Каримовнинг давлат тепасига келиб қолишидир. Мен яна бир “қора тойчоқ”ка (бийлардда “черная лошадка” деган термин бор) рўбарў бўлиб қолишимиз мумкин,-деб айтмоқчиман. Бугунги мухолифатдаги кўпчилик лидерлар элга таниш, ё бўлмаса жила курси бошқа мухолифатдагиларга феъл атори аён. Айтмоқчиманки, ким бўлишидан қатъий назар шу инсонлардан бирортаси давлат тепасига келса унинг кейинги қадамларини ҳисоблаб олиш мумкин. Агар тасодифий одам бўлса, (яна қайтараман

ни режалаштириш билан баробар. Ундан ташқари, зolim, ...

Икки оғиз гап “Эрк” демократик партияси ва унинг раҳбари жаноб Муҳаммад Солиҳ ҳақида. Кимдир балки қўшилмас, балки ғаразлик қилар, аммо бор нарсани бордай айтиш керак. Жаноб Муҳаммад Солиҳ маълумингизки Шўро давридан бошлаб халқ, миллат озодлиги, бахт соадати йўлида курашиб келаётган, мард, жасур, иймон-эътиқоди мустаҳкам инсон. Унинг шаънига айтилаётган фисқи фасод гаплар асоссиз эканлигини ҳаммамиз биламиз. Қани айтингчи, айш ишратга берилмаган, иймон эътиқод масаласида барчамизга ўрناق даражада бўладиган, умрини халқ озодлиги учун тўлиқ бағишлаган яна ким бор? Ҳар тўқисда бир айб. Тўғри, муомалада кўрслик бор, ҳақиқатни бўямай, шартта зингинга айтиш бор. Баъзида бу гаплар жон-

## ҲУКУМАТ ВА МУХОЛИФАТ

давлатни бошқариш, унинг устига, чуқур илдиз отиб кетган кризисдан чиқариш учун кучли назарий ва амалий илмга эга бўлган инсонлар керак. Бугунги кунда мухолифат орасида бундай инсонлар кам. Ундан ташқари мухолифат лидерлари тазъийқ остида мамлакатдан ташқарида ҳаракат қилишга мажбур бўлганлари учун, ички вазиятдан тўлиқ воқиф эмаслар. Эртага Худо бериб (бу аниқ бўладиган иш) мухолифат ҳукумат тепасига келса ишни нимадан бошлашга шошилиб қоладилар. Шунинг учун бугундан бошлаб мамлакатни идора қилишга тайёрланиш керак. Зулмнинг ўзи ноҳақлик, ноқонунийликдан иборат. Давлатнинг бош қомусини Президентнинг ўзи бузиб тургандан кейин, бу мамлакатда қонун ҳукмронлиги бўлишига ким ишонадию, ким кафолат беради? Ноқонуний, ностандарт давлатда яшаб, уни тўғри йўлга солишга интилувчиларга бўлаётган мислсиз тазъийқларни ҳисобга олган ҳолда, дунё сиёсатининг янги бошқариш услубига ўтаётганлигидан хулоса чиқариб иш кўргандагина бирор натижага эришиш мумкин.

Бирор ишнинг амалга ошмай қолишининг асосий сабаби ишни нотўғри режалаштириш ва ташкил этишдир. Нотўғри режалаштиришнинг сабаби эса вазият ва имкониятни нотўғри баҳолашдан. Нотўғри баҳолаш эса ўз навбатида етарлича маълумотга эга бўлмасликдан иборат. Демак ҳамма нарса бориб биринчи раҳбар ва бевосита ёрдамчиларига боғлиқ. Масаланинг яна бир томони борки, ҳамма нарса тўғри ҳисоб — китоб қилиниб ва тўғри ташкиллаштирилган тақдирда

-Каримовга ўхшаган) қасамхўр, олчоқ, нонкўр бир инсон келиб қолса? Русларда бир мақол бор, -“Из двух зол выбирают меньшую!”

Ҳар кимнинг лаёқати ўзига маълум. Қолаверса раҳбарларнинг имконият даражасини атрофдагилар, халқ билади. Шунинг учун мухолифатдаги инсонлардан шу куннинг ўзидаёқ кадрларни танлаб, виртуал мухолифий ҳукуматни тузиш талаб қилинади. Ҳар бир персонага энг зарур ваколат ва вазифаларни тақсимлаш, жамиятнинг ҳақиқий аҳволи билан танишиб, янги ғояларни бериш, керак бўлса уларни ҳаётга тадбиқ қилиб бориш керак. Тасаввур қилингки янги ерда иш бошламоқчисиз.

Демак уни режалаштириб қаерга нима қуриш, қаерни реконструкция қилиш, ким қаерда ишлашини хомчўт қилиб қўйиладику ахир. Масалан мен янги ҳукуматдан фақат битта нарсани, уям бўлса адолатли, инсонпарвар, иймон-эътиқодда мустаҳкам бўлишни кутаман. Менга на мансаб, на амал керак эмас. Чунки мен менга Аллоҳ томонидан берилган ўз имкониятларимни жуда яхши биламан. Раҳбарлик инсон умрининг соғлиғининг ҳақиқий эгови эканлигини ҳам биламан. Шунинг учун мухтарам мухолифат аъзолари ва раҳбарлари: ақлни бир жойга тўплаб, энг шимариб ишлаш вақти келди. Бир биримизга мағзава тўқишдан кўра янги турмуш учун ҳаракатни бошлайлик. Мақоланинг бишида келтирилгандай-бугунги кун кечагидан тубдан фарқ қилади. Жаҳон сиёсатида туб бурилишлар даврини бошимиздан кечириаямиз. Кечаги доғмалар билан ишлаш, олдиндан таназулга учраш-

жонингиздан ўтиб кетади, лекин на чора, бир биримизнинг айбимизни хаспўшлаб ўтиб кетаверсак, иймон аста секин емирилиб борадику. Демак бу камчилик эмас.

Бир мақолада ЎХХ “ЭРК” партиясининг давомчиси,-дейилган экан. Мен тушунмадим, бу “экспертлар” нимадинг даъвосини қилишмоқчи? Агар жаноб Муҳаммад Солиҳ курашни тор доирадан кенг доирага кўчирмоқчи экан, кимга оғирлик қилади бу?

Бу фақат Каримов ҳукуматида ёқмаслиги мумкин. Ўзини мухолифат ҳисоблаганлар бундан хурсанд бўлишлари керак. Агар қўлга тушмаган айиқнинг терисини талашаётганлар бўлса, марҳамат, ана айиқ юрибти сандирақлаб, тутиб терисини бўтунлайича олинглар.

Шунинг учун жаноб Муҳаммад Солиҳга душман назари билан эмас, Ўзбекистоннинг келажаги учун курашаётган бир ватанпарварга қарагандай қараш тўғри бўлар эди. Мен аминманки, бошқа партия ва ҳаракатлар қатори “ЭРК” ҳам, ЎХХ ҳам имкон қадар ҳаракат қилаяпти.

Тўғри камчиликсиз кечмаяпти кураш. Сафимизда ҳали ҳам бу улўғ ишни майнавозчиликка айлантираётганлар, ўз тегирмонига сув оқизишни ўйлаганлар, йўқ жойдан ўзига сиёсий очколар тўплаб оммани лақиллатиб юрганлар ҳам бор.

Майли уларнинг ўзига Худо инсоф берсин. Аммо ЎХХ ва ЭРК марказида жуда кўп соф инсонлар йиғилган ва қўлдан келган барча ишларни қилишяпти. Албатта лидеримиз жаноб Мўхаммад Солиҳ раҳбарлигида.

*(Давоми кейинги саҳифада)*



## ҲУКУМАТ ВА МУХОЛИФАТ

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Азиз дўстлар, биродарлар, козоқларнинг бир яхши мақоли бор, - Эл бўладиган эл – бир бирини ботирим дейди, - деган.

Мен Қозоғистон, Қирғизистон томонларда кўп бўлдим ва кўрдимки, уларда сиёсий тортишувлар натижаси ўлароқ халқ турмуши анча яхшилланган. Сиёсатчилари ҳам пистирмада туриб эмас, очик майдонда курашадилар. Тўғри, бизда ички вазият оғир, буни тушунамиз. Аммо шунинг ўзиёқ биздан янада катта маъсулият, катта меҳнат талаб этади. Биз диктатор зулми ошган сайин бир биримизга яқинроқ бўдишимиз керак.

Яна ЎХХ раҳбари жаноб Муҳаммад Солиҳ масаласига қайтсак. Насиб килиб, диктатор Каримовдан кутилиб олсак, бизнинг бошимиздан ҳам ўтиш даври ўтиши тайин гап.

Мен М.Солиҳни Вацлав Гавелга ўхшатаман. Уларнинг иккисида ҳам зиёилик юкори даражада. Агар озодлик кунларига етиб олсак, аминманки бу инсон тахтга ёпишиб олмайди, лекин халқ бошига яна бир ғаддор келишига ҳам йўл қўймайди. Чунки кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади.

Агар мантиқан ўйлаб кўрилса, бугунги кунда янги партия ва ҳаракатлар тузаётган дўстларимиз, 23 йилдан бери шаклланиб, курашларда чиникиб, мустаҳкамланиб қолган ва янада мустаҳкамланаётган партия сафига кўшилиши ва қўллаб қўвватлаши тўғрироқ бўлар эди.

Чунки бу ишда тажрибаси йўқлар албатта бизнинг йўлимизни босиб ўтадилар ва вақтдан ютказадилар. Барчангизга хайрли ишларингизда омад тилаб, Эркин

Қурбон хайитида одатдагидек нархлар бирданига ошиб кетдию, байрам ўтгач 1-навли 500 сўмлик 1 буханка нон 600 сўм, олий навли 600 сўмлик 1 буханка нон 700 сўмда қолиб кетди. Бошқа озиқ овқат маҳсулотлар нархлари ҳам юкорига ўрмалаб қолди.

Каримовнинг “Дангасалар” қўшиғидан кейин қаёққадир ғойиб бўлган гадолар яна пайдо бўлишди. Аммо шаҳарда троллейбуслар қатнови бекор қилинганлиги учун, Каримов уларга хайр садақа беришга келмаяпти.

Шаҳарлар марказларига экилган арчаларнинг кўпи қуриб қолди, аммо шаҳар ўз яшиллик тароватини йўқотгани йўқ. Яшил арчалар ўрнини шаҳар кўчаларини босиб кетган мелисалар билантирмапти.

**Эркин Садриев**  
1990 йилдан бери  
«Эрк» партияси аъзоси



Сиёсий майдонда енгилгани айтилаётган Гулнора Каримовага тегишли Фонд Форум жамғармаси Лара Фабиан концертидан бенасиб бўлган мухлисларга юпатиш ўлароқ зудлик билан Россиядан Валерия номли хонанда келтирилди.

### Л.ФАБИАН КОНЦЕРТИГА БОРМАГАНЛАР ПАСПОРТИНИ ОЛИБ БОРАДИ

Валерияни истамаганлар учун эса билет пуллари қайтариб берилиши fundforum.uz сайтида эълон қилинган эди.

Сайтнинг билдиришича, билет пулини қайтиб олиш фақат концертдан 10 кун кейин 7 ноябрь куни, у ҳам махсус формадаги ёма ариза билан “Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми” жамғармасига мурожаат қилиш орқали берилади.

«Аризага паспорт нусхаси илова қилиниши лозим», дейилади 30-октябрь куни fund forum.uz сайтида ёйинланган эълонда. Je T'aime қўшиғи

билан Ўзбекистонликлар эътиборини қозонган белгиялик хонанда Лара Фабиан 27-октябрь куни Тошкентда Art Week Style.uz ҳафталиги доирасида концерт бериши кутилётган эди.

Ҳуқуқ фаолларининг “Ўзбек режимида хизмат қилмаслик” чақириғига амалан хонанда диктаторнинг қизи Гулнора Каримова томонидан уюштирилган бу концертни бекор қилди.

Л.Фабианнинг мазкур қарори дунёдаги бир қатор инсон ҳуқуқларини ҳимоялаш халқаро ташкилотлари, жумладан қароргоҳи Францияда жойлашган “Қийноқларга қарши насроний фаоллар” ташкилоти томонидан олқишланган эди. Аввалроқ Гулнора Каримова ташаббуси билан уюштирилган тадбирларда қатнашиш учун Тошкентга келган хорижлик санъат юлдузларининг айримлари халқаро

ҳамжамият танқидига учраган эди.

Л.Фабиан билети пулини қайтариб олиш учун ариза берган шахслардан шунингдек, паспорт ва унинг нусхаси ҳамда билетни ўзи билан бирга олиб бориш талаб қилинган.

Демак, белгиялик таниқли хонанда Лара Фабианни Тошкентда кўришдан бенасиб қолган мухлислари борди-ю концерт бекор қилингани ҳақидаги хабарни эшитган замон аччиқ устида билетни гижимлаб ташлаган бўлсалар, у ҳолда пулидан умидини узаверсин.

**ЎХХ ахборот бўлими**



Ўзбекистон Халқ Ҳаракатининг республика ҳукуматидаги манбаси берган маълумотларга кўра,

каналининг ҳамда “Даракчи” газетасининг фаолиятларига оид кўрсатмалар олиш учун Фирдавс Абдуҳолиқов номига тергов чақириқ қоғози ёзиб, жўнатди”, — деди Тошкентдаги манба.

Унинг айтишича, одатда МХХ Бош тергов бошқармаси чақириқ қоғози билан келган кишиларни дарров ҳибсга олиб, ТИЗОга жойлаштиради.

“Шу сабабдан, Фирдавс Абдуҳолиқов МХХга келиши биланоқ ҳибсга олинishi мумкин”, — деди манба.

### ФИРДАВС АБУҲОЛИҚОВ ҲИБСГА ОЛИНИШИ МУМКИН

Гулнора Каримованинг шахсий матбуот қотиби, унинг тузилмаларига қарашли барча медиа-лояихаларнинг раҳбари ва “NTT” телеканалининг хўжайини Фирдавс Абдуҳолиқов яқин кунлар ичида ҳибсга олинishi мумкин.

“Чунки 28 октябрь куни Ўзбекистон МХХ Бош тергов бошқармаси “NTT” ва “STV” теле-

Унинг айтишича, Гулнора Каримовага тегишли тузилмаларда текширув кампанияси бошланган 21 октябрдан эътиборан шу кунгача ушбу тузилмаларда фаолият юритган ҳамда Гулнора Каримованинг яқин атрофида бўлган кишилардан 20дан ортиғи Ўзбекистондан қочиб кетган.

**ЎХХ ахборот бўлими**

Тошкент шаҳар Ҳамза тумани “Қўйлик” массивида “ПАНЕЛНИЙ” Вақтинчалик Сақлаш Ҳибсхонаси (ВСХ — СИЗО) жойлашган.

Бу қамоқхона сатҳи 20 гектардан ошиқ ерни ташкил этади.

Қамоқхонага олиб келинаётган фуқаролар Ўзбекистон Республикасининг “Маъмурий Жавобгарликка Тортиш Кодекси тўғрисида”ги қонунига кўра, турли-хил моддалар билан айбланган, “хуқуқбузар”лар келтирилади. “Хуқуқбузар”лар асосан Тошкент ва Тошкент вилоятларидан келган, аммо ўлканинг бошқа вилоятларидан келган “хуқуқбузар”лар ҳам бор.

Улар Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятларида “жиноят” содир этганлиги учун “Панелний” ВСХ олиб келинади. Тошкент “СИЗО” қамоқхонаси ўз “бағрига” 2-3 минг кишини сиғдириш имкониятига эга.

Бу ерда ҳар куни 100 дан ошиқ “хуқуқбузар” келтирилади. Ўртача ҳисобда ҳар оғи, 1000-1500 минг фуқаро, “маъмурий жавобгарликка” тортилади. Кейинги вақтларда Ўзбекистон Республикасида “МЖТК”нинг қонунига

Агар хонага эътибор берсангиз, эшиклари темир панжаралар билан ўзгартирилган. Деразалари ёпиқ панжаралар билан, “безатилган”. Хонада катта қороватлар, алоҳида хожатхона, кўрпа-тўшаклар ҳам бор. Хонанинг ичида таъмирлаш ишлари яхши олиб борилган.

Деворлари анча мустаҳкам, хона шифтларида махсус бетон қопламасини кўриш мумкин. Бу “1-камера”да хонадаларимиздан Илҳомжон Фармонов, Абдуллажон Курбонов ва Гулбаҳорхон Сулаймоновлар ташриф буюришган экан.

### 2-Камера

Хонасининг катталиги қолган хоналарга нисбатан анча катта. Бу ерда асосан, 5 ва 7 кунга, қамалган “ароқхўрлар компанияси” ётишади. Келган “хуқуқбузар”лар ётоқхонанинг “меню”си билан таништирилади. Бу ерда сигарет ва нос чекиш мумкин. Фақат панжара эшиги ортида тупуриш, қусуш мумкин эмас.

Борди-ю қистаб қолса, иштонга бемалол хожат қилишлари мумкин. Чунки “СИЗО” қамоқхонасининг тартибига кўра махбуслар хожатхонага фақат эрталаб соат 6-00дан

Хона эшиклари чўпдан ясалган. Деразалари, “альфа ромлар”лар билан деразалари эса, қора ойналар билан қопланган...

Улар навбатчиликни ҳар 2 соатда алмаштиришиб туришади. Қонун бўйича, кечаси ухлаш мумкин эмас. Бирок, ташқарида қўйилган стол-стул устида ўтириб ухлай-верадилар. ИИБ ва қамоқхона нозирлари келиб қолишса, “пост”да ухлашни таъқиқлавчи, “СИЗО” қамоқхонасининг катта “дарвозабони” “сигнал”ни босади Шу вақтнинг ўзида ичкарида ухлаб ётган махбус ҳам, ИИБ ходимлари ҳам уйғонадилар. Махбуслар ичкаридаги хона тозалиги учун жавоб берадилар.

### “5-камера”

Бу хонада 5 ва 10 (сутка)га қамалганлар бор. Булар қамоқхонанинг ташқи ва ички тозалиги бўйича жавоб берадилар. Эрталаб ва кечкурун қамоқхоналар атрофлари тозаланади. Ахлат олинади. Ён-атрофга сувлар сепилади. Дарахтлар ости юмшатилади. Қамоқхона бош нозири Николай Николаевич келгунича, ҳамма жой ораста бўлиши лозим.

## ТОШКЕНТ “СИЗО” ҚАМОҚХОНАСИ

кўра, жавобгарликка тортилаётган фуқароларнинг сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Бу ВСХнинг ҳар бир хонасида, 20-25 киши мажбурий равишда ўтқазилади. Агар борди-ю, у ерда.

Сиз ўзингизни, “правангизни качать” қилмоқчи бўлсангиз, сизни ҳеч ким эшитмайди. Нима бўлишидан қатъий назар сиз 10-15 сутка қамоқ жазосини мажбурий равишда ўташингиз шарт...

Бир вақтлар ВСХ қамоқхонаси “от ва эшак сақлайдиган макон” бўлган деган гаплар ҳам бор...

Собиқ Иттифоқ даврида қурилган бу қамоқхона уч қисмга бўлинади.

Биринчи қисмда, 10-15 суткага қамалганлар.

Иккинчи қисмда, 30 суткага қамалганлар.

Учинчи қисмида эса, “бомж”лар яъни, уй-жойсиз, кўчага қолган фуқаролар истиқомат қилишади.

Бу (СИЗО) ВСХ, Ўзбекистон Республикаси ИИБга қарашли бўлиб, “хуқуқбузар”лар уларнинг мавкиега қараб ажратилади. Қамоқхонанинг катта дарвозасидан кирганигизда, 8 хонадан иборат бўлимлари бор.

Шу хоналарнинг “1-камера”сида Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар учун “махсус хона”лар ташкил қилинган бўлиб, бу хона одатда “уятчан мижоз”га берилади.

кечкурун соат 18-00 да олиб борилади. Қолган вақтлар туалет бахонасида ташқарига чиқиб, тоза ҳаводан «бахраманд бўлиш» таъқиқланади.

У ерда сақланаётган фуқаролар Ўзбекистон ҳукумати учун “хавфли шахс”лар ҳисобланади. Хонада ётиш учун кўрпа-тўшак керак эмас, уларнинг кийим-кечаклари кўрпа ва тўшак вазифасини ўтайди.

### “3-камерада”

Мардикор аёллар учун бўлма бор. Бу хона эшиклари ҳам темир панжаралар билан “безатилган”. Хона анча “шинам”. Мардикор аёлларимиз “ўзларини ўз уйларидек ҳис қилишлари мумкин”. Хонада ётоқ учун, махсус жойлар йўқ. Одамнинг усти боши кўрпа-ёстик вазифасини ўтайди. Хонага баъзан суюқоёқ аёллар ҳам келишади. Бу аёллар билан мардикор аёллар ўртасида баъзан “драка” бўлиб туради. Бу вазиятда ИИБ ходимлари суюқоёқ хотинлар тарафини олишади. Мардикор аёлларни ҳимоя қиладиган инсон зоти топилмайди.

### “4-камера”.

Бу “СИЗО” қамоқхонасининг ходимлари учундир. Бу ерда бир кеча кундузда хизмат қиладиган 10 та ИИБ ходимлари навбатчилик қилишади. Улар ётадиган хонага, қоровотлар, стол-стуллар, янги кўрпа тўшаклар бор.

Кундуз куни “тушлик”ни олиб келиш ва чой, сигарет, нос ташиш хизматлари алоҳида бўлади.

Ташқаридан “хуқуқбузар”нинг қариндоши сигарет, нос ва турли хил нарсалар олиб келишганини қамоқхона бошлиғи Николай Николаевич кўриб қолса бор-ми, ИИБнинг ходимлари ва ўша “5-камера”дагилар қаттиқ “жарима”га тортилади ва улар ётган ётоқхоналар, тинтув қилинади. 5-хонанинг ички ва ташқи томони остин-устин қилиниб, бир бошдан текширилади. Бу 5-камерадаги хуқуқбузарларни “махбус”лар, кўпинча, “озодликка чиққан эркин қушлар” ҳам дейишади. Чунки, сассиқ хонага димиқиб ўтирмасдан, ташқарида тоза ҳаводан баҳарманд бўлиш яхши-да.

### “6-камера”

Хона анча катта. Бу хонанинг узунлиги 10, эни 7 метр. Хона эшиклари темир панжара билан қилинган. Деразалари тор, деворлари ўпирилиб тушган. Хонани ремонт қилинмаганига 30 йил бўлган бўлса ажаб эмас.

Хонанинг поллари чириб тамом бўлган. Пол тешиқларидан инсонни чақадиган ҳашаротлар тинмай ҳужум қиладди. Хонада хожатхона мавжуд.

Бу ерда фақат, “енгил иш” қилинади.

(Давоми кейинги саҳифада)

*(Давоми: Боши олдинги саҳифада)*

Борди-ю кўп овқат еб юборган бўлсангиз, ИИБнинг ходимларига ёлворишга тўғри келади. Ёлвориш текин бўлмайди, ёлвориш учун кўлингизда пул бўлмоғи шарт. Пулни олиб ўтиш учун, сизда санъат бўлиш керак. Яъни пулни қаерингизга тиқиб киришни билишингиз шарт.

Аммо сиз илк кундаёқ “махсус текширув”дан ўтказиласиз. Айрим “хуқуқбузар”ларимиз ўз олатларига 2-3 минг сўмни “боғлаб” ўтишган эди, афсуски, ИИБнинг дубинкаси билан «уриб» туширишди.

Бир хонада 25 киши “бемалол” тикилиб-сикилиб ётиши мумкин. Кўрпа-тўшакнинг ўзи йўқ. Фақат бир неча йиллардан бери сасиб кетган ўзбек чопонлари бор. Бу чопонлар “уже” хизмат муддатини ўтаб бўлган бўлсада, хали ҳам асқотмоқда.

Бу ерда тонги соат 8:00 да “текширув” бошланади. Бунда “хуқуқбузарлар” мисоли кўтондан чиқаётган молдек қилиб саналиб чиқилади. «Санаб, санабига етмаган» ИИБ нинг ходими ҳар бир “хуқуқбузар” фамилияси исми ва отасининг исми, ҳамда туғилган вақтини тўлиқ айтишни талаб қилади. Агар бирон қор-хол юз бериб, бирорта “хуқуқбузар” кам чиқиб қолса, ИИБ нинг ходимлари итлар ёрдамида уни қидиришга тушишади. Сизни шунчалик аввайлаб кўриқлайдилар-ки, террористларни ҳам бунчалик даражада кўриқламасалар керак.

“Хуқуқбузарлар” то “проверка” гача ўз ўрниларидан туриб, хонани тозалашлари, ҳамда ҳожатхонага бориб келишлари шарт. Шундан сўнгига “СИЗО”нинг бошлиғи Николай Николаевич келгунича,

Ошхона йилда бир бўлсин, дезинфекция қилинмайди. Бу ерга сил касаллиги билан келган “махсус” бир-варакайига ҳаммани заҳарлаб чиқиб кета олади.

Бу “ошхонада” тайёрланаётган озиқ-овқатлар ва тегишли маҳсулотлар ИИБ томонидан ажратилаётган маблағлар эвазига амалга ошириларкан. Бироқ, ҳар бир “хуқуқбузар” жазосини ўтаб чиққан вақтда ундан 205 минг 600 сўм микдорда пул олишади.

Агар бу маблағни тўламасангиз, ўша вақтнинг ўзида сиз уйингизга бориб етмасангиздан оқангиздан, “повестка” бориб туради. Агар беролмасангиз, сизнинг яқин қариндошларингиз орқали тўлаттирадилар ва улар орқали нақд пул олинади. Агар Сиз қарақалпоғдан келиб ётган бўлсангиз ҳам, бари-бир

## ТОШКЕНТ “СИЗО” ҚАМОҚХОНАСИ

Тажрибали конунбузарларнинг айтишича “матрас” деган жонвор кўрпачалар олиб ташланганига ҳам 20 йилдан ошибди. Чопон ичида жойлашиб олган турли хашорат “хўрандалар” сизнинг конингизни сўради, сизни турли-ҳил касалликлардан “тозалайди”.

### “7-камера”.

Бу ҳужрада кўпинча ёшлар ва қарилар бирга бўлишади. Камера жуда ҳам кичик. Бу ерда 10-15 тагача маҳбус жойлашиб, ҳаробага айланган бир макон. Деворлари ва шифтлари турли-ҳил сўзлар билан безаб бўлган. Одамлар полда «бемалол» ётишаверади.

### “8-камера”.

Хона катталиги жиҳатидан бошқа камераларга нисбатан анча катта. Бу хонада биринчи куни келган, “хуқуқбузар” меҳмон қилинади. Шу ердан эртаси куни қолган хоналарга бўлиб юборилади. Биринчи куни келган, “меҳмон”лар полга кийим-кечаги билан ётишади. Бош кўйиб ётгингиз келса, камерани иситиш учун тўшалган трубалар устига бошингизни кўйиб, “бир кеча минг кеча эмас” деган ақидага амал қилиб ётасиз. Бу хонада ҳожатхона йўқ. Бордию, қистаб қолса, “бакалашка”ларга бемалол ҳожатингизни чиқаришингиз мумкин... Бу «амалиёт» пайтида, турли “овоз”лар чиқиб кетиб, хонада ётган «биродарлар»ингиз сўқинишса хафа бўлмайсиз: бу ҳужрага илк бор «ташир-ф буюрган» кишилариинг асаби жойида бўлмайди. Улар уйқуларидан ҳам, судья ва ИИБнинг ходимларини падарибузриларини “кўкларга кўтариб” сўқадилар...

фуқароларга яратилган, “шарт-шароитлар” юзасидан аризалар эшитилади. Кимдир касал бўлса, уйдан дори-дармон келтириши мумкин, аммо дори фақат ИИБ нинг ходими орқали олиб келинади.

СИЗО да тиббиёт хонаси ҳам бор. Бу шунчаки, расмиятчилик учун холос. Шифокорнинг хонасини очиб қарасангиз, унда уч дона таблекатқадан бошқа бирор нарсани кўрмайсиз. Булардан: бош оғриғини қолдирадиган дори, “аналгин” ва ич кетганда уни қолдириш учун “левомицин”. Шунингдек, яралансангиз зеленка ҳам бор. Қолган касалликларни эса ИИБ нинг ходимлари ўзларининг дубинкалари билан “даъволашади”. Бир маҳсус акамизни “ломка”си тутиб қолган эди. Уни ташқарига олиб чиқиб калтаклашдилар, кейин камера олдидаги айвончаниннг сўрисига боғлаб ҳам кўйишди. Ичиб тушганлар ва турли хил касаллиги борлар ўша жойда яхши кўштирноқ ичида “даъволаниб” чиқишади...

ВСХ қамоқхонасида “СИЗО”да ишлаётган ИИБ нинг ходимлари ва маҳбуслар учун алоҳида ошхоналар бор. ИИБ нинг ходимлари учун алоҳида овқат тайёрланади ва уларнинг ошпазлари ҳам алоҳида. Маҳбуслар овқатланадиган идиш товоқлар алмисокдан қолган, яъни жуда эски. Идиш товоқнинг қиррига қараб бўлмайди. Сиз уни тушлик вақтида совуқ сувда ювасиз. Бу идиш-товоқдан ҳамма маҳбуслар озиқланади. Фақат ҳар бир камерада ўтирган фуқаролар ўз идишларини овқатланиб бўлганидан кейин, тозалаб, ялаб қайтариб беришлари шарт.

сизни шундайликча кўйиб юборишмайди. Жуда бўлмаса кўлингиздан тилхат ёздириб олиб уни “делога” тиркаб кўйишади. Бордию, Худо кўрсатмасин, Сиз яна ўша жойга иккинчи бор тушиб қолсангиз “ўтган сафар келиб, дам олиб кетган эдинг. Ўшани пулини қачон тўлайсан?” деб қиставга олиб холи-жонигизга кўйишмайди. “Ахир мени тўлашга пулим йўқ. Бунга имкониятим йўқ. Ишламасам қаердан пул тўлайман” – деб қолсангиз борми, сизни “контроль” деб то кечкагача олиб ўтиришади. Кечаси соати 22:00дан кейин “СИЗО” эшигидан чиқариб юборишади. Шундай қилиб, Сиз 15 суткалик қамоқ жазосини ўтаб чиқасиз ва озиқ-овқат пулини нақд тўловда амалга оширишингиз шарт ва зарур.

Ваҳоланки, ИИБ ги бу маблағни давлат бюджетидан ажратилади. Фуқаролардан олинган, “штарфлар” эса, ўша ВСХ да ишлаётган ИИБнинг ходимларининг ҳаром томоғларига тушади. Улар ўша ҳаром пуллари эвазига иномарка ва “Нексия” машиналарини сотиб олиб “СИЗО”га ишга қатнайдилар. Машиналар эса ўша ерда хизмат қилиб юрган, “маҳбуслар” томонидан ювилади. Бу ҳам, ИИБ нинг “ички тартиби”. Улар олаётган ойлик маошлари эса МХХ нинг ходимлари билан теппа-тенг.

Бундан ташқари фуқароларнинг, яъни ўша “хуқуқбузарлар” сигарет, нос учун олиб кирган маблағлари ва уйларида келтирилаётган турли-ҳил нози-неъматлар ҳам ўша Тошкент “СИЗО”сининг катта дарвозасидан ичкарига ўтмайди.

*Давоми келгуси сонда*

“Фейсбук” да ёйинланган хабарларни ўқиётиб, Ўзбекистон Халқ ҳаракати лидери Муҳаммад Солиҳ ва унинг рафиқаси Ойдин Солиҳнинг расмига кўзим тушди. Расмнинг ёнида “Сиёсатдаги ва фандаги шарлатанлар”, дея сарлавҳа битилган эди. Мақолани ўқиган кишида “муаллиф ички ва ташқи дунёси ғариб, бадбахт одам экан”, деган фикр пайдо бўлади. Ҳасад тўла ёзилган мақолага коммент ёзиб юкладим ва яна хабарлар билан танишишда давом этдим.

## ОЙДИН СОЛИҲДАН КИМНИНГ ТИНЧИ БУЗИЛМОҚДА?

Шу пайт Интернетда онлайн бўлган дўстларим “нималар тарқатаяпсиз?”, дея ёзғиришди.

Аввалига ҳайрон бўлдим. Кейин маълум бўлишича, мен коммент юклаганимда Ойдин Солиҳ ҳақида ёзилган мақола менинг номимдан тарқалиб кетибди. Мақолани муҳокамага ташлаб, кейин унда қатнашган одамларни техник айёрлик билан ноқулай аҳволга солиб қўйиш ўта пасткашлиқдир.

Ижтимоий тармоқларни ўзининг ёвуз ниятлари учун майдон қилиб олган айрим кимсаларнинг нотовонбинлиги бу мақоланинг ёзилишига туртки бўлди.

Ўзини «христиан» деб атаб, исм-фамилияси билан рус эканини таъкидлаётган бу мажхул кимса “Ҳақиқий тиббиёт” китобини қандай ўқиб чиққан бу тушунарсиз. Чунки илк бор 2008 йил, сўнгра 2013 йил бир неча юз минг ададда нашр қилинган бу китоб фақат турк ва ўзбек тилларида босилган.

“Ҳақиқий тиббиёт” китоби Туркия ва ундан ташқари туркийзабон ўлкаларда жуда катта қизиқиш билан қаршиланди. Ҳатто Қозғистон ва Қирғизистон каби ўлкаларда бу китобни хуфя чоп этиб, сотаётганлар ҳам кўпайган.

Бугун дунёнинг бир қатор мамлакатларида танилган биолог олима Ойдин Солиҳ ўз китобида инсон саломатлигини анъанавий тибб ва Қуръону-Ҳадисга асосланган ҳолда яхшилаш, ҳатто замонавий тиб даволашга ожизлик қилаётган саратондан ҳам тиббий виситалар ёрдамида сақланиш йўллари ифода қилган.

Ойдин Солиҳнинг даволаш услуги тажрибада синалган ва

сўнги ўн йил мобайнида юзлаб беморлар ундан шифо топган.

Ўтган йил октябр ойида Ойдин Солиҳ ва унинг шогирдлари ташаббуси ва Туркия ҳукумати расмийлари қўллови билан “Анъанавий тибб ва ҳожамот терапияси” мавзусидаги халқаро симпозиум бўлиб ўтди.

Ўша тадбирда дунёнинг 13 ўлкасидан олимлар ва мутахассислар қатнашди. Жумладан 70-йиллар Ислонни қабул қилган, келиб чиқиши англиялик, таниқли фотограф Питер Сандерс ҳам шу

анжуманда қанташиб мана шундай деган эди: “Мен йигирма беш йил мигрендан қийналдим.

Шифо истаб, жуда кўп ўлкаларда бўлдим, турли даволаш усуллари синаб кўрдим, кўп табиблар билан учрашдим.

Ўтган йили Истанбул Табиий Шифо Институтидан Сумайра Мерве билан учрашдим. Сумайра ўз устози Ойдин Солиҳга кўринишимни тавсия этди. Ойдин хонимнинг кўрсатмаларига кўра, фақат озикланишни қон гуруҳимга кўра тузатиш ва бир неча ҳожамот курсидан сўнг, қисқа вақт ичида, ниҳоят, чорак асрлик касалликдан халос бўлдим.

Аллоҳга беадад шукрлар бўлсин” деган эди ўша анжуманда қатнашган Питер Сандерс.

Сандерс жаноблари тадбир доирасида дунё маданиятларида ҳожамат тарихига оид “Йўқотилган шифо изидан” номли фотокўргазмасини намойиш ҳам қилганди.

Ойдин Солиҳнинг даволаш услубидан шифо топиб кетганлардан бири ўзим ва 14 яшар ўғлим Амиржон Насимов ҳақида ҳам тўхталмоқчиман.

Ўғлим анчадан буён бел оғриғидан шикоят қиларди. 15 дақиқадан кўп ўтира олмас, бир ерда тик тура олмас эди.

У фақат узаниб ётсагина, беллидаги оғриқ кечарди. Ўғлимдаги бу ҳолат мени қаттиқ ўйлантириб қўйганди. Унинг дардига қаердан даво топиш мумкин?, деган савол қийнардигани мени. Ёлғиз ўғлимнинг саломатлиги ёмонлашиши ортдан ўзим бош оғриғига дучор бўлдим.

Аввалига ярим соатга чўзилган бош оғриқ кейинчалик бир неча кун давом этар, оғриқ шиддати-

дан ҳатто бошимни бирор қаттиқ нарсага уришгача бориб етардим.

Яратганга шукр, йўлимизда Ойдин Солиҳни учратди. Аввалига биз учун янги бўлган даволаш усули роса қийин ва бажариши оғирдек туюлди.

Зеро, биз ҳар қандай хасталикни дўхтирлар тавсия қилган таблеткалар билан “даволаб” келганмиз. Бу жуда осон, битта таблеткани бир қўлтум сув билан ютасиз ва шу билан олам гулистон...

Бора-бора она-бола иккимиздаги дард шиддати кучая борди.

Ва ниҳоят ўғлим иккимиз оғриқ туфайли уйқусиз тунлардан қутилиш мақсадида Ойдин Солиҳ тавсия қилган даволаш терапиясини олишга қарор қилдик. Очлик, ҳожамат, зулук. Орадан ҳеч қанча вақт ҳам ўтмади, биз шифо топдик.

Мен аввалига ҳатто ҳайратландим, наҳотки биз ўша даҳшатлардан қутилган бўлсак? Не бахтки, шундай, биз шифо топдик. Биз ҳар тонг енгил ва бардам уйғонамиз. Энг асосийси, танимиз бедард ва ҳаётимиздан мамнунмиз.

Ойдин Солиҳ асос солган Табиий соғлиқ институти ҳақида икки оғиз сўз.

Ойдин Солиҳ асос солган Табиий соғлиқ институти NH (Natural Health Institute) институти Туркияда расман фаолият қилади. Бу даргоҳ Туркияда энг йирик Анъанавий Тибб маркази саналади.

Бу ерда хасталар табиий дорилар билан даволаниш билан бирга соғлом ҳаёт тарзини ҳам ўрганадилар.

Ҳозир биз яшаб турган Бурса шаҳрида биз каби шифо топганлар, ва Ойдин Солиҳни берган Аллоҳга ҳар қадамда шукр айтаётганлар ўн мингларча.

Бурсалик аёллар сўнги икки йил касалхонага бормаганини, Ойдин Солиҳ институтида даволангандан кейин ҳаётлари тубдан ўзгарганини айтадилар.

“Шукурлар бўлсин, бу ўзбек ҳақимаси бизнинг ҳаётимизни бутунлай ўзгартирди, содалаштирди.

Аввалгидек дўхтирларга бориш, болаларимизни қон йиғлатиб укол қилдириш-у, зўр билан таблеткалар юттириш йўқ энди. Икки йил бўлди, биз бу нарсаларни унутдик”, дейди Бурсалик Эсон хоним.

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

Бу аёлнинг айтишича, дўхтирлар “давоси йўқ”, деб ташхис қўйган маҳалладоши ҳам Ойдин Солиҳдан шифо топган экан.

Туркияда Ойдин Солиҳ иштирок этадиган йиғинларда одам кўплигидан залга кириш жуда қийин.

Одамлар, соатлаб оёқда туриб бўлса, ҳам Ойдин Солиҳни тинглашга тайёр. Ана шундай йиғинларнинг бирида мен ҳам қатнашгандим. Залдаги ҳолатни кўриб, таажжубга тушган эдим.

## ОЙДИН СОЛИҲДАН КИМНИНГ ТИНЧИ БУЗИЛМОҚДА?

Менинг ёнимда ўтирган бир аёл “узоқдан бўлса ҳам Ойдин хонимни кўрдим, Аллоҳга шукр”, деб чапак чалиб юборган эди ҳатто.

Ўша йиғинда сўзлаган Ойдин Солиҳ ўтирганларни хлорли кир кетгазувчилар, бадан парвариши учун қўлланиладиган турли хил хушбўйлардан тийилишга чақирди.

Бугун дунёнинг жуда илғор ширкатлари ўз маҳсулотини реклама қилиш учун мисли кўрилмаган пулларни сарфлаб турган бир пайтда ўзбекистонлик ҳақима аёл бундай даъват билан чиқиши мени хавотирга солганди ўшанда.

Айнан шу савол билан Ойдин Солиҳга мурожаат қиланимда: “Хлорли кир кетгазувчилар, бадан парвариши учун қўлланиладиган турли хил сунъий хушбўйлар (ароматлар) инсонни жисмонан йўқ қилибгина қолмай, унинг инсонлик моҳиятини ҳам ўзгартиради.

Бу маҳсулотларни бир мартагина қўллаган кишининг иммун системаси кучли зарба ейди. Эътибор берган бўлсангиз, илгари депрессия ҳолатига қарши дорилардан аёлларгина фойдаланарди. Бугунга келиб ҳамма — эркаклар, кексалар ва ҳатто ёш болалар ҳам антидепрессант ича бошлашди.

Илгари фақат аёллар, баъзи ҳолларда эркаклар ошқозон ости бези билан оғриган. Бугун-чи? Ҳатто янги туғилган чақалоқларда ҳам бу касаллик аниқланган.

Оммавий бепуштлиқ кучайган. Сунъий уруғлантириш марказларига ёшлар дарё бўлиб оқмоқда.

Расмий манбаларнинг башорат қилишича, деярли бир неча йилдан сўнг туғилажак болаларнинг 95 фоиз сунъий урчиши

йўли билан туғилади.

Бунақа оммавий бахтсизлик қаршисида қайси фойдадан баҳс этмоқчисиз?

Бизнинг фаолиятимизга ҳозирда ҳеч ким таҳдид қилаётгани йўқ...”, деган жавоб олган эдим.

“Сиёсат ва фандаги шарлатанлар” каби мағзаваларни тарқатаётган махфий хизматларнинг кўғирчоқларга икки оғиз сўз: Ойдин Солиҳ бошқараётган бу институт Туркия ва дунё бир қатор давлатларида катта обрўга эга.

У Туркияда расман рўйхатга олинган бўлиб, ўз даромадидан ҳукумат хазинасига 45 фоиз солиқ тўлайди. Шарлатанлар эса расмий фаолият қилмайди ва ҳеч қандай солиқ тўламайди.

Бундай муттаҳамлар Ўзбекистон каби давлатларда кўп, улар исмларини яшириб, ниқоб кийиб, номусли инсонларга туҳмат тошларини ота оладилар холос.

Фан ва техника, медицина шиддат билан ривожланиб бораётган бугунги кунда “Ҳақиқий тиббиёт”нинг майдонга келишини Тибб соҳасининг Янги Тадрижи деб тушунаман.

Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги расмийлари Анъанавий Тиббнинг бугунги замон тиббиётига ижобий ёрдамини англаб етган ҳолда, бу тиббиётнинг қонуний асосларини яратиш таклифини ўртага ташладилар.

Айни пайтда Ойдин Солиҳнинг шогирдлари — ёш докторлар Туркияда Ойдин Солиҳ методикасини ўрганувчи бир унверситет очишга бел боғлаганлар.

Дунёнинг энг тараққий этган Европа давлатларининг тиб мутахассислари шу кунларда Ойдин Солиҳ методикасини ўрганиш ва ўзлаштириш учун Туркияга тез-тез сафарлар қилиб туради.

Саудия Арабистонидаги Қирол Абдулазиз Унверситети вакиласи, Ядровий тиббиёт мутахассиси Сиймо Бахит ҳам Ойдин Солиҳ ва унинг талабаларининг тиббиётдаги ютуқларидан ҳайратга тушиб, шундай дейди: “Мени бир савол доим ўйлантириб келарди: Қандай қилиб Усмонлилар биз арабларни 600 йил давомидан бошқара олган?

Мен бу симпозиумда қатнашиб,

бу саволга жавоб топдим: Араб дунёси уйқуда, сиз турклар эса — жуда яратувчан, меҳнаткаш ва доим изланишда экансизлар”, деган эди.

Яъни одамларни фанда, айниқса, саломатлик соҳасида алдаш билан, бир соатлик ютуққа ҳам эриша олмайсиз. Чунки бугун одамлар 21 асда яшайпти, улар ҳамма нарсдан хабардор, ҳаммада интернет бор.

Ойдин Солиҳнинг тиббиётда “кўзбўямачилик” қилмаётганини ҳалиги «муаллиф» ҳам жуда яхши билади. Билади-ю, тош отади, чунки ёвуз бир мақсад бор.

Бу ўзига яхшилик қилишга ожиз бўлган разил, тубан одамларда учрайдиган хислат. Ва албатта, «муаллиф» Ойдин Солиҳнинг “кўзбўямачилиги”ни бирорта мисол билан исботлаб бера олмаган.

Ўқувчини чалғитиш учун Ойдин Солиҳнинг шахсий ҳаётидан ёлғон-яшиқ «ҳикоялар» қилган.

Мен Қуръони Каримни ўқиганимда, “Залзала” сура-сини қайта-қайта ўқийман ва йиғлайман, баъзан армон билан йиғлайман. Вақтни бой берганим учун йиғлайман.

Сурада Қиёматнинг юз бериши ва ўша Кунда одамларнинг ҳолатини тасвирлаб Аллоҳ таоло: “...Бас кимки (дунёда) зарра миқдорида яхшилик қилган бўлса, (қиёмат куни) уни кўрар. Кимки зарра миқдорида ёмонлик қилган бўлса, ҳам уни кўрар”, дейилган.

Бизга берилган бу азиз умримизда кўлимиздан келса яхшилик, келмаса, бир оғиз илиқ сўз билан инсонларнинг дилини олишга ҳаракатдан ўзимизга манфаат кўпроқдир.

Туркиядаги бир йиллик ҳаётимдан шуни ўргандимки, Ўзбекистон ва собиқ шўро давлатларидан бу ерга иш, шифо ва боринги янгича ҳаёт ахтариб келиб, сарсон бўлиб юрганларнинг аксарияти, такрорлайман аксарияти, Ойдин Солиҳнинг моддий, маънавий ёрдамини олган.

Чунки Ойдин Солиҳ учун моддий бойликдан кўра, одамийлик муҳим. “Аллоҳ Сизни назардан, қуруқ туҳматдан қўрисин, Ойдин хоним”.

Кўпчилик туркияликларнинг дастурхон дуосида шу сўзларни айтганларига гувоҳман.

**Гулнора Равшан**  
**Бурса шахри**



Ҳамро Ҳалиллаев 1999 йил 3 апрель куни кумликлардан топилиб, ҳисбга олинди.

У билан бирга воқеа жойидан қочишга муваффақ бўлган Полвонназир Хўжаев эса Россия кучишларлари томонидан 2000 йилнинг март ойида Самара шаҳрида қўлга олинди ва расмий Тошкентнинг талаби билан шу йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга экстрадиция қилинди. 2000 йилнинг май ойида П. Хўжаев Тошкент вилояти суди томонидан мол-мулк мусодарасига ва ўлимга ҳукм қилинди.

Шуниси диққатга сазоворки, тергов ва суд давомида Полвонназир Хўжаев Саримой воқеасидаги дўстлари изидан бориб, Ўзбекистон ҳукуматидан кечирим сўрамади. Шундай қилиб...

## У.ҲАҚНАЗАРОВ: САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Мужоҳидларнинг мурасизлиги ва кучли иродаси ҳақида

Ҳисбга олинган Ҳамро Ҳалиллаев ва Темурбек Бобожонов ўтказилган суҳбат ва терговлар давомида ўз фикрларини очик ва аниқ баён этишди. Бу йигитлар кучишларлар олдида эгилишга ёки терговга ён босишга ҳаракат ҳам қилишмади.

МХХ терговчилари хоразмлик йигитларнинг эгилмас иродаси, мурасизлиги, аниқ исломий ва сиёсий қарашларидан қараётган бўлишди.

Масалан, тергалаётган шахснинг сиёсий қарашларини аниқлаш учун ўтказиладиган суҳбатлар давомида хоразмлик мужоҳидлар нафақат ўз диний қарашларини, балки Каримов диктатурасига нисбатан бўлган танқидий позицияларини ҳам очик ифода этишди.

Бунга мисол тариқасида қуйида Ўзбекистон МХХнинг республика аппарати терговчиси ва Темурбек Бобожонов ўртасида 1999 йил 26 апрельда Хоразм вилояти МХХ бошқармасига қарашли тергов изолаторида бўлиб ўтган суҳбатдан бир парча келтирамиз:

### Темурбек Бобожонов

Савол: — Сен Ўзбекистоннинг ҳозирги давлати ва ҳукуматига қаршимисан?

Жавоб: — Ҳа.

Савол: — Нега?

Жавоб: — Чунки бу давлат — куфр давлати, бу ҳукумат эса Шайтоннинг ҳукуматидир.

Савол: — Бироқ одамлар бу давлатдан ҳам, бу ҳукуматдан ҳам мамнунлар...

Жавоб: — Халқнинг куфр ва Шайтондан мамнунлиги Аллоҳ ҳам куфр

ва Шайтондан мамнунлигини англатмайди.

Савол: — Ўзбекистонда куфр ҳукм сураётганини сен қаердан биласан? Аллоҳ бу давлатдан рози ёки рози эмаслигини қаердан биласан? Нима, сен Аллоҳ билан суҳбатлашиб келдингми?

Жавоб: — Мен Аллоҳ билан суҳбатлашмадим. Мен Аллоҳнинг Куръонини ва пайғамбарининг ҳадисларини ўқидим ҳоло. Ушбу китобларни ўқиб чиқсангиз, Ўзбекистонда куфр ҳукм сураётганини сиз ҳам тушуниб етасиз.

Савол: — Энди, Куръонни бошидан охиригача ўқиб чиқиш учун кўп вақт керак.

Ўзбекистонда куфр ҳукм сураётганини сен менга оддий қилиб исботла. Ҳозир исботла!

Жавоб: — Нимадан бошлашни ҳам билмаяпман. Мана, масалан, Ўзбекистоннинг давлат мадҳиясини олайлик. Унда “Аждодлар мардона руҳи сенга ёр”, — деган сўзлар бор. Бу — ширкнинг ўзгинаси. Қандай қилиб ўлганларнинг руҳи тириклар учун ёр бўлишим мумкин?!

Ўликлар тирикларга ёрдам бера олмайдилар. Ўликларда шундай қудрат бўлса эди, улар аввало ўзларига ёрдам берардилар. Ахир, уларнинг қабрдаги ахволлари қандайлигини ҳеч ким билмайди. Одамлар учун ягона ёр ва таянч Аллоҳдир.

Ширк Ўзбекистоннинг давлат гербида ҳам бор. Ундаги марказий фигура афсонавий, яъни ўйлаб топилган Ҳумо қушидир.

Сизларнинг расмий шарҳингизга кўра, бу қуш, гўёки, одамларга бахт келтирармиш.

Ҳаётда мавжуд бўлмаган қуш қандай қилиб одамларга бахт келтириши мумкин?!

Инсонларга бахтни фақат Аллоҳ беради.

Гербингиздаги бу ҳолат давлат миқёсидаги ширк бўлибгина қолмай, давлат миқёсидаги ёлғондир ҳам.

Кўрдингизми, нафақат ҳукуматингиз, балки давлат рамзларингиз ҳам аввал бошдан ширк, куфр ва ёлғонга асосланган.

Савол: — Менга қара, ушбу мадҳия ва гербни қабул қилаётганда мамлакат раҳбарияти исломий анъаналар ва манфаатларга мос келадиган мадҳия ва герб қабул қилишни мақсад қилмаган. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари бизнинг миллий анъаналаримизга жавоб беради.

Жавоб: — Каримовнинг герби ўзбек халқининг миллий анъаналарига ҳам жавоб бермайди. Чунки гербнинг қоқ ўртасида ўтирган ўша Ҳумо қуши ўзбек халқ эртақлари ва афсоналарининг эмас, форсий эртақ ва афсонларнинг қахрамонидир.

Савол: — Лекин мен сенга яна қайтариб айтаман: одамлар ушбу мадҳиядан ҳам, гербдан ҳам, ҳукуматдан ҳам мамнунлар...

Жавоб: — Мен ҳам сизга қайтариб айтаман: халқнинг куфр ва ширкдан мамнунлиги Аллоҳ ҳам куфр ва ширкдан мамнунлигини айнглатмайди.

Савол: — Демак, сен халқнинг иродасига ҳам қаршисан. Шундайми?

Жавоб: — Агар халқнинг иродаси Аллоҳнинг иродасига қарши бўлса, мусулмон киши халқнинг эмас, Аллоҳнинг иродасини бажариши керак. Масалан, агар давлат хазинасига қўшимча пул тушириш учун эртага халқ ўз депутатлари орқали фоҳишахоналарнинг фаолиятига руҳсат беришни хоҳлаб қолса, мусулмон киши халқнинг бу ташаббусини қўллай олмайди. Бундан ташқари, мусулмон Аллоҳнинг иродасини бажариб, бу ташаббусга қарши чиқиши керак. Чунки халқнинг бу хоҳиши Аллоҳнинг хоҳишига зиддир.

Савол: — Ўзбек халқи ҳеч қачон бундай ташаббус билан чиқмайди!

Жавоб: — Агар Каримов давлат тепасида яна 10-15 йил ўтирса, Ўзбекистон бутун дунёга ўзининг фоҳишалари билан “машҳур” бўлиб кетади. Агар Каримов куфрни ташвиқ қилишни давом эттираверса, бир кун келиб, бизнинг халқимиз расмий фоҳишахоналар қуришни истаб қолади. Ва сизнинг ҳукуматингиз ушбу куфрни “фоҳишаларнинг фаолиятини тартибга солиш ва назоратга олиш”, “венерик касалликлар тарқалишининг олдини олиш” каби чиройли сўзлар билан номлайди.

Савол: — Куфрми, куфр эмасми, бироқ Ўзбекистонда фуқаролар тинчлик ва хотиржамликда яшамоқда...

Жавоб: — Бу тинчлик ва хотиржамликдан ўзбек халқи эмас, куфр ва унинг ҳукумати манфаатдордир.

Савол: — Нега ундай деяпсан?

Жавоб: — Чунки бундай тинчлик ва хотиржамликда Каримов ва унинг ҳукумати ўзбек халқини тинчгина эзиб, бизнинг мусулмон биродарларимизни хотиржам қамамоқда.

Савол: — Балки шундайдир, лекин Ўзбекистонда тинчлик-хотиржамлик таъминлангани боис, мамлакат фуқаролари ўқлардан ва жанглардан ўлаётгани йўқ.

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

Жавоб: — Бундай куфр ва зулмга сабр қилиб яшагандан кўра, Ўзбекистон фуқаролари ўқ ва жанглардан ҳалок бўлганлари яхши эди. Ҳали шундай вақт келадики, Каримов ўрнатган хотиржамликдан ўзбек халқи хотиржамлигини йўқотади. Шундай пайт келадики, Каримов ўрнатган тинчликдан нафас олиб бўлмай қолади. Шундай пайт келадики, куфрга 8 йил тинчгина қул бўлиб яшагандан кўра, озодлик ва дин учун 8 йил урушиш фойдалироқ эканини ўзбеклар ҳам тушиниб етишади.

## У.ҲАҚНАЗАРОВ:

### САРИМОЙ ФОЖЕАСИНИНГ ҲАҚИҚАТИ

Савол: — Сиз, ваҳхобийлар, ҳамини давлатдан норозисизлар. Бу тузумнинг нимаси ёқмайди сизларга? Ахир, одамлар намозларини масжидларда ва уйларида тинчигина ўқиб, диний байрамларни нишонлаб юришибдику!

Жавоб: — Аллоҳнинг иродаси – жуда кенг ва катта нарса. Аллоҳнинг иродаси фақат маълум жойларда ва пайтларда амалга ошириладиган тор ва чекланган бир ирода эмас. Аллоҳнинг иродаси фақат масжидларда, хусусий уйларда ёки байрамларда эмас, жамиятда ҳам, давлат ишларида ҳам, кундалик ишларда ҳам — ҳамма ерда ва ҳамма вақтда амалга оширилиши керак. Мусулмон киши фақат уйда ва масжидда бажариладиган, яъни қисман бажариладиган Исломга рози бўлиши мумкин эмас.

Савол: — Нега?

Жавоб: — Чунки Аллоҳнинг иродаси фақат масжидда ва уйларда бажарилишига, қолган жойларда, масалан, жамият, давлат ишларида эса Шайтоннинг иродаси бўлиши куфр ҳукм суришига рози бўлиб бўлмайди.

Савол: — Нега сиз, ваҳхобийлар, ҳамма вақт Исломни сиёсийлаштирасизлар?

Жавоб: — Биз Исломни сиёсийлаштирамаймиз. Аксинча, Ислом бизни сиёсийлаштиради.

Савол: — Ислом ва сиёсат бирига ёт тушунчалардир.

Жавоб: — Адашасиз. Ислом – бу сиёсат.

Савол: — Аллоҳнинг иродаси нима эканлигини менга қисқа қилиб тушунтириб бер.

Жавоб: — Аллоҳнинг иродаси Ислом динидир.

Савол: — Демак, сенингча, ҳамма ерда дастурул амал сифатида фақат Ислом қўлланиши керак. Шундайми?

Жавоб: — Ҳа.

Савол: — Тушунарли. Демак, сен

ва дўстларинг оддий ўғирлик учун ҳам одамнинг қўлини кесадиغان исломий давлат курмоқчисизлар. Шундайми?

Жавоб: — Ҳа. Ва жазонинг бу тури ўғрини қамокқа ташлашдан кўра анча адолатли, самарали ва фойдалидир.

Савол: — Ўғрини қўлини кесишнинг афзалликлари нимада экан?

Жавоб: — Биринчидан, ўғирлик учун қўли кесилган одам оиласида ва жамиятда яшашда давом этади. Иккинчидан, бундай одам иккинчи марта ўғирлик қилишга унчалик журъат

қилолмайди.

Учинчидан, исломий давлат бундай ўғрига бир тийин ҳам сарф қилмайди. Ўғрилик учун одамни бир неча йил қамокқа ташлаган дунёвий давлат эса қамокдаги ўғрини озиқ-овқат билан таъминлаш ва қўриқлаш учун катта маблағлар сарф этади. Қошқийди, шу билан ўғри яхши томонга ўзгариб қолса. Кўпчилик дунёвий давлатларнинг тажрибаси шуни кўрсатадики, қамок жиноятчиларни тарбиялаш у ёқда турсин, аксинча, уларни янада ваҳшийлаштириб, янада ҳавфли одамларга айлантиради.

Бундан ташқари, қамокдан чиққан, бундай одамлар жамиятда сил каби турли юкумли касалликларни тарқатишади.

Савол: — Сен дўстларинг билан биргаликда Саримойда автобусни қўлга олиб, Ўзбекистондаги конституцион тузумни ағдаришни ва президент Ислом Каримовга суиқасд уюштиришни режалаштирганингни тан оласанми?

Жавоб: — Кулаяпсизми?! Атиги тўрт киши бўла туриб, боз устига саҳронинг қок ўртасида туриб, бутун бир давлатнинг конституцион тузумини ағдариб бўлармикан?! Саримойдан минг километр нарида ўтирган президентга қандай қилиб суиқасд уюштириш мумкин?! Диндош биродарларимизни қийноққа солган янгибозорлик милиционерлардан қасос олмақчи эдик ҳолос.

Савол: — Демак, сен Ўзбекистондаги конституцион тузумни ағдаришни ва президент Ислом Каримовга суиқасд уюштиришни истамагансан. Шундайми?

Жавоб: — Саримойда конституцион тузумни ағдаришни истамадим, албатта. Лекин умуман олганда мен ушбу тузумни ағдариш тарафдориман.

Савол: — Нега?

Жавоб: — Чунки бу тузум куфр ва

Шайтон тузумидир.

Савол: — Менга қара, нега сен доим “куфр, куфр” деганинг деган?! Куфр нималигини биласанми ўзи?

Жавоб: — Ҳа, биламан.

Савол: — Куфр нималигини менга аниқ ва лўнда қилиб тушунтириб бер.

Жавоб: — Куфр деб, сўзда ва амалда Аллоҳнинг иродасига қарши боришликка айтилади. Масалан, Аллоҳ томонидан буюрилган ёки рухсат берилган ишни таъқиқлаш ва, аксинча, Аллоҳ томонидан таъқиқланган ишни буюриш ёки рухсат бериш куфрга қиради. Масалан, мана сизнинг президентингиз Каримов мусулманларнинг ҳижоб ўраб, мусулмонларнинг эса соқол ўстириб юришига қарши. Ваҳоланки, ушбу амаллар Аллоҳ томонидан буюрилган ва рухсат берилган. Ёки бошқа мисол. Аллоҳ мусулмонларнинг арок ишлаб чиқаришига, сотишига ва ичишига қарши, аммо сизнинг Каримов ушбу ҳаромни рағбатлантиряпти.

Савол: — Сен нега “сизнинг президентингиз, сизнинг Каримов”, деясан? Сен Каримовни ўз президентинг деб ҳисобламайсанми?

Жавоб: — Йўқ, ҳисобламайман.

Савол: — Нега?

Жавоб: — Чунки мусулмон киши кофир раҳбарга бўйсиниши мумкин эмас.

Савол: — Каримов кофирлигини сен қаердан биласан? Каримов – мусулмон. Унинг исми – Ислом, фамилияси эса – Каримов.

Жавоб: — Бизнинг динимиз одамларнинг исми-шарифига ёки гапирган сўзларига қараб эмас, амалларига қараб баҳо беришга чақиради.

Савол: — Лекин сен айнан Каримов бошқараётган мамлакатнинг фуқаросан!

Жавоб: — Ҳа, мен Каримов бошқараётган мамлакатнинг фуқаросиман. Лекин менинг фуқаролигим менинг паспорт нуктаи назардан қайси мамлакатга мансублигимни билдиради ҳолос. Менинг фуқаролигим менинг қайси президентга тегишлилигимни аниқламайди. Каримов унинг қарорларига рози бўлган ёки рози бўлишга мажбур бўлганлар учунгина президентдир. Масалан, сиз ва сизнинг ҳамкасбларингиз учун Каримов президент ва сиёсий раҳбардир, чунки сиз ва сизнинг ҳамкасбларингиз унинг қарорларини тўғри деб биласизлар.

Мен эса Каримовнинг қарорлари ва амалларини тўғри деб билмайман ва, табиийки, уни ўз сиёсий раҳбарим деб ҳисобламайман.

*(Давоми келгуси сонда)*

*Жаннатмакон муаллимим профессор, доктор М. Қоя Билгазлининг азиз хотирасига бағишлайман.*

Профессор Доктор Шуъайб Қорақош

### СУЗБОШИ

Сўнги йилларда Туркияда Туркия ташқарисида яшаётган турк қавмларининг тарих ва адабиётларига доир турли асарлари нашр этилмоқда. "Муҳаммад Солиҳ шеърияти" бу нашр занжирининг янги ҳалқасини ташкил этажакдир.

Муҳаммад Солиҳ шоир, ёзувчи, мутафаккир ва сиёсатчи ўлароқ Ўзбекистонда ғоят муҳим шахси-

Булар "Бешинчи фасл", "Оқ кўйлақлар", "Қудуқдаги ой", "Вал-фажр", "Шаффоф уй", "Олис табассум сояси" ва "Орзу фуқароси" номли китобларидан сараланган (Бу шеърлар китобнинг ушбу ўзбекча таржимасига киритилмади, – Нашриёт). Китобда шеърларнинг асли (оригинали) билан Туркия туркчасидаги сўзма-сўз таржимаси ёнма-ён берилади... Мақсадимиз Туркия ташқарисида ҳам эътибор қилишимиз лозим бўлган жонли турк адабиёти мавжуд эканига ишора этмақдир.

Ва ниҳоят бу мавзу устида иш-лашимга васила бўлган суюкли

*Қўяман* *Инглишининг*

*ўн-ўн беш сўзини.*

*Ўн-ўн беш сўз ила тўзалгач бу яра,*  
*Қайтадан тилимни*

*найзага ташлайман.*

*Энг ўтқир сўзларга*

*мен уни қўярак,*

*Энг юмшоқ сўзларни*

*келтира бошлайман.*

*Мен энди биламан,*

*энг қадим обида –*

*"Эрк" сўзи тил учун*

*энг хавфли калима.*

*Ва лекин бирон сўз*

*юмшоқлик бобида*

*Ҳеч тилда тенг келмас*

*бу туркча "Ölüm"га.*

## МУҲАММАД СОЛИҲ ШЕЪРИЯТИ

ятлардан биридир. У 1970-йилларда аввал шоир сифатида танилганди. Миллиятчилик фикрининг очиклик қозонгани 1985 йилдан кейин Совет Иттифоқининг тарқалиши билан тугаган "қайта қуриш" йилларида бутун қаламкашлар каби у ҳам сиёсий ва ижтимоий мавзулар билан қизиқа бошлаган ва ҳар хил газета журналларда совет режими сўроққа тутган жасур ёзувлар ёзган.

У "Бирлик" номидаги халқ ҳаракатининг асосчиларидан бўлган, унда актив фаолият кўрсатган ва кейинчалик "ЭРК" партиясини ташкил қилган. Ёзувчи ўлароқ мақолаларида чоризм ва совет идораларига пахта, буғдой, ипак, олтин, кўмир, газ, нефть каби бойликларни бериб, бунинг эвазига сафолат, жаҳолат, кўркув, генотсид ва манкуртлашма сиёсатини ҳада олган Туркистон туркларининг 20-аср можоросини миллий нуқтаи – назаридан баҳолаган.

У бутун Турк дунёсининг ирк, тил, дин ва хотира муштарақлигидан баҳс этиб, Хитой ишғоли остидаги Шарқий Туркистондан тортиб, Туркияни ва бугунги Русия ҳудуди ичидаги Шимолий турклар соҳасини ҳам ихтиво этган "Турк белбоғи" ҳақида фикр юритмоқдадир.

Шоир сифатида эса Муҳаммад Солиҳ замонавий ўзбек шеъриятининг муҳим тамсилчиларидандир.

Шеърларида шахсий туйғулари билан бирга Туркистон туркларининг ҳаётини ҳам бутун жаҳалари ила тараннум этгандир.

Қўлингиздаги "Муҳаммад Солиҳнинг шеърлари" китобида 194 та шеър бор.

устодим профессор, доктор Аҳмед Бегжон Эржиласун бейга, ташвиқ ва ёрдамларини кўрганим дотсент, доктор Исмет Жамилуғли ва китобни нашр этган "Аждод" нашриётига, унинг соҳиби, оғам Аҳмад Доған бейга ташаккурлар айтаман.

**Анқара, май 1997 йил**

### НАЗМ ШАКЛИ

Муҳаммад Солиҳ шеърларида турли хил назм шакллари кўлланади. Шеърларининг ярмидан кўпи сарбаст вазнида ёзилган. «Ким учун», «Мақтов», «Сиз каби», «Қасам ичмадим мен», «Ташбеҳсиз шеър», «Қаршиман», «Адашганлар қўшиғи», «Чет тилини ўрганиш», «Туркистон» каби тўртликларга бўлиниб ёзилган шеърлар бутун шеърларнинг қирқ фойизини ташкил этади. Бунга «Арғамчи», «Нур ичра», «Кўксимдаги бешик», «Одам», «Қуёш», «Шеърият», «Рус шоирига» каби битта тўртликдан иборат шеърлар ҳам киради.

Бу тарзда ёзилган шеърларда тўртликлар сони (масалан, "Адашганлар қўшиғи"даги каби) баъзан ўндан ошмоқда.

### ЧЕТ ТИЛИНИ ЎРГАНИШ

*Туркчада сўзлар бор,*

*ханжардай ўтқирдир.*

*Бир хато қилсанг бас,*

*тил дарров тилинар.*

*Айниқса, бировга*

*айтмоқчи бўлсанг сир,*

*Айниқса, ҳайқирмоқ истасанг,*

*билинар.*

*Туркчада сўзлар бор,*

*ўтқирдир найзадай.*

*Аммо мен биламан*

*ишимнинг кўзини:*

*Эрталаб тилимга,*

*доривор майсадай,*

"Ўлдириб бўлмас", "Бу ерда", "Қувонч", "Танбеҳ", "Она билан хайрлашув" шеърлари эса уч мисрадан ташаккул этган қитъалар ҳолида ёзилган.

### ЎЛДИРИБ БЎЛМАС

*Гулни ҳидлаш учун*

*Эгилган бошни*

*Кесиш мумкин эмас ҳеч қачон.*

*Мерганнинг энг зўри*

*Кўшиқ айтаётган инсоннинг*

*кўксини мўлжалга ололмас.*

*Дунё зулматида севгисидан*

*бўса олаётган кимсанинг*

*елкасига пичоқ уриб бўлмайди.*

*Ўлдириб бўлмайди,*

*Ўлдириб бўлмас*

*сигиниб ўтирган одамни, ахир.*

"Мен бугун ой чехрасини кўрдим", "Қахрамоним", "Омадсиз одамнинг дегани" ва "Оч бир чумчуқ бўлсам" шеърлари иккиликлар ҳолида ёзилган.

### ОЧ БИР ЧУМЧУҚ БЎЛСАМ

*Оч бир чумчуқ бўлсам,*

*Қўнмас эдим сизнинг*

*деразангизга.*

*Чумоли бўлсам мен,*

*Кесиб ўтмас эдим*

*сиз ўтган йўлни,*

*Агар дарахт бўлсам,*

*Сизнинг боғингизда*

*қўкармас эдим.*

*Лекин ҳарсанг бўлсам,*

*Йўлингизда кўндаланг*

*ётган бўлардим.*

Бу китобда яна сонет шаклида ёзилган бир шеър ҳам ўрин олмоқдадир.

Фақат ҳижо вазнининг 9-ҳижоли қолипиди ёзилган бу шеърнинг қофия тизими классик сонетдан фарқ қилади.

*Давоми келгуси сонда*

## ЗЕҲН (ОНГ) НАЗОРАТИ

(Давоми. Боши ўтган сонда)



ДНК молекула-лари асос сифатида олиниб, бир Био-Нанотехнологик к а л и т хисобланадиган “Наноактуатор” (“Нанофаоллаштирувчи”) ишлаб чиқарилган.

Соч толасининг мингдан бири к и ч и к л и г и да г и наноактуатор (микро-чипнинг ихчам каналига боғланган ДНК молекуласининг ипи бўлиб) тирик хужайраларнинг табиий энергиясидан фойдаланиб, ишлайди. Шу тарзда юзага келган электрон сигналлар тўғри компьютерга ўтказилиб, тирик биологик тизимлар олами билан компьютер олами ўртасида алоқа ўрнатилади.

Наноактуатор. аини пайтда, организмлар орасида алоқа қуриш учун ҳам қўлланилиши мумкин. Мазкур микрочип ҳар бир тўқимага, хусусан, ҳар бир мия тўқимасига жойлаштирилиши мумкин.

Ва компьютердан келган сигналлар ёрдамида инсоннинг мияси ташқаридан назорат остига олиниши мумкин. Нано-норо-компьютердан мияга жойлаштирилган микро-чипга келган сигналлар мияга бир комплект расмлар, товушлар, объектлар, хидларни етказиб бериб, мияга керакли дастурни юклаши мумкин.

Бу ҳолатда тушунчалар, истаклар, туйғулар, секинч ва асбийлашишлар нано-компьютер томонидан бошқарилиши мумкин. Натижада, тамоман бошқача, сунъий зеҳн (онг) юзага келиши мумкин.

Кичик, бир неча молекула катталигидаги наноактуаторлар тузга, сувга, унга ёки ҳар қандай бир озуккага қўшимча модда сифатида аралаштирилиши ёки нафас оладиган ҳавога тарқатилиши ҳам мумкин.

Организмга ҳазм ёки нафас йўллари билан кирган нанопарчалар вужудимизни тўлдириб, унинг исталган ерига жойлашиши мумкин.

**Нано-роботлар касалликларни даволай олади.**

Инсон организмдаги хужайралар наноробот ва наноструктуралар (нанотузилмалар) воситасида молекуляр савияда таъсирлантирилиши, назорат қилиниши ва тузатилиши мумкин. Нанороботлар хужайраларни тузатиш ёки уларни янгидан ишлаб чиқариш қобилиятига эга бўладилар.

Масалан, инсонда эрта склероз бошланса, унинг организмидаги нанороботлар касалликнинг қаерда жойлашганлигини топиб, касал хужайралар ва томирлардаги қолдиқларни механик ва кимёвий йўллар билан дарҳол тозалайдилар.

Агар бирон бир генетик (ирсий) касаллик мавжуд бўлса, нанороботлар ушбу касаллик билан боғлиқ гени аниқлаб, кесиб олиб ташлайдилар ва унинг ўрнига сунъий “соғлом” бир ген жойлаштирадилар.

Ёки инсон кексая бошлаганда, нанороботлар унинг баданидаги ҳамма хужайраларни тузатиб, ёш ҳолатига қайтара оладилар. Натижада инсон доимо 20-30 ёшли одамдек кўринади.

Минг йил олдин ўлган жонзотларни тирилтира олишади.

Барча жароҳлик амалиётлари аъзоларда эмас, балки молекуляр савияда қилинади ва амалда инсон ўлмайдиган ҳолга келади.

Вужуддаги роботлар касалликни даволай олмаса, ер остида ёки юзидаги “Марказий тиббий компьютер”га улаиб, ундан ёрдам сўрайдилар.

Марказий тиббий компьютер эса, барча соғлиқ муаммоларига ечим топа олдиган даражада бўлади.

Бу компьютер ҳатто креоник усул билан неча йиллар олдин мусулаб кўйилган одамларнинг хужайраларини миллионлаб нанороботлар ёрдамида таъмирлаб, тирилтиради.

Шу тарзда минг йиллар олдин ўлган, аммо жасади қандайдир шаклда ҳимояланиб, чириб улгурмаган жонзот, ўсимлик, микроб, ҳашарот, балиқ, ҳайвон ёки инсон жасадларига янгидан “ҳаёт” берилади.

Барча инсонларнинг миялари ягона мия ҳолига келади.

Инсон организмдаги физиологик ишлов(функция)ларни ва одам иро-дасини бошқара оладиган нано-компьютерни энг кеч 2050 йилда ишлаб чиқариш режалаштирилган.

Аммо нано-компьютерни биринчи бўлиб ишлаб чиқариш учун риво-жланган мамлакатлар ўртасида мусобақа бошлангани сабабли, нано-компьютер режалаштирилган муддатдан олдин ҳам ишлаб чиқарилиши мумкин.

**Бунинг учун замин ҳозир.**

Бугунги инсоннинг вужуди нанопарчаларга тўлган, десак муболаға бўлмайди.

Яъни, бугунги инсон - бир ўтказгич каби - электромагнит тўлқинларини ўтказувчи ҳолига келган.

Бу вазиятда, ўша Суперкомпьютерга қайси давлат биринчи бўлиб эга бўлса, у дарҳол Муайян Бир Киши миясининг электрон схемасини Компьютерга юклайди. Сўнгра вужудларига нанопарчалар жойлаштирилган инсонлар ўша Муайян Бир Киши миясига боғланади...

Ва улар дунёда ягона Мия (зеҳн) ҳолига келади!

“Бўл!” , дейилса, истаган нарсаси дарров бор бўлади

Бутун дунёни эгалламоқчи бўлган, бир неча молекула катталигидаги нанороботлар ўз-ўзларидан тезлик билан кўпая олишади.

Ҳар қандай органик ёки аорганик моддани атомларигача эрита оладилар.

Кейин бу атомлардан янги бир модда ёки исталган бир нарсани зудлик билан янгидан ишлаб чиқарата оладилар.

Нанороботлар инсон овози ёки фикри билан бошқарилажақдир..

“Бўл!” , дейилса, исталган нарса дарров бор бўлади.

“Ҳеч шубҳа йўқ-ки, Дажжол чиқади”.

Аслида, замонавий технология тараққиётини Дажжолнинг келишига тайёргарлик босқичи десак, хато бўлмайди.

Мазкур тараққиёт одамларга чиройли кўриниши, уларда инсонлар ҳеч бир ҳавф кўрмасликлари мумкин. Зотан, ҳатто мусулмонлар ҳам бу тузукни қўрмай, уни таараққиётнинг эврилиши(эволюцияси)сифатида қабул қилмоқдалар.

Мусулмонлар, худди сеҳрланган каби, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳадисларига аҳамият бермайдилар.

Ҳолбуки, Аллоҳнинг сўнгги Пайғамбари «Мендан сўнгра ҳар янгилик - бидъатдир, ҳар бидъат - залолатдир», деган эди.

Факат мусулмонлар, модерн технология тараққиётининг тузоғини кўрмасдан уни илмнинг табиий эврилиши сифатида қабул этмоқдалар.

Ҳолбуки, нанотехнология мутахассисларининг ваъдаларига кулоқ соларкан, галати нарсага, илоҳлик иддаосига дуч келамиз.

**Ойдин СОЛИХ**

“Ҳақиқий тиббиёт” китобидан  
(Давоми келгуси сонда)

**ERKIN YURT**

“Эркин Юрт” интернет-газетаси  
www.uzxalqharakati.com/erkinyurt  
Мустақил манбааларнинг  
маълумотларидан фойдаланилди.  
Масъул муҳаррир  
**Камолитдин Йўлдош**